

ХУДОЁР ЛАТИФИЙ



НОЁБ

I

Узи т 20

Шеърлар, ҳикматлар
тўплами ва байтлар

Гулистон, 2005, февраль


Худоёр Латипов катта ҳаёт йўлини босиб ўтган инсон.

Иккинчи жаҳон уруши оловларидан омон қайтган, Мирзачўлни ўзлаштириш синовларида чиниқан, дехқончилик билан иқтисодий билимларни боғлаган, кўплаб шогирдларга устозлик қилган, нахтачиликда доимо янгиликларга интилган Худоёр Латипов - даврнинг жонли тарихи, жуда кўп эврилишларнинг шоҳиди сифатида ҳам ардоқлидир.

Замондошларга, келажак авлодларга ўз юрагини очади, қоқилмаслик учун нималарга эътибор берини кераклигини ўз тажрибаларидан келиб чиқиб айтиди, тушунтиришга ҳаракат қиласди.

«Мирзачўллик бўламан» деб ифтихор қиласар экан, уни ўқиган киши муаллифнинг астойдил айтиётганига амин бўлади, деб ишонамиз.

10³²⁰⁵²
2



Дейдилар:

Дунёда ёмонлар кўпмиш, дейдилар.
Мен дейман: - Яхшилар ҳам кам эмаслар.
Аммо билиш анча мушкул иш эрур.
Чунки яхши, ёмон ният дилда бўлур.

2002 йил 30 апрель эрталаб соат 10 да бир шеърий иш билан ваъдалари бўйича борсам, Президент мажлисида эканлар. Қадроним Абдурашид Берикбоев идорасига кириб, қутишга қарор қилдим. Соат 11-30 да бирор ҳансирағб кириб келди. Қарасам, Эркин Вохидов. Самимий кўришиб дедилар:

— Президент мажлисида докладчи эдим, докладни томом қилиган заҳотим, оз муддатга жавоб олиб келаётирман. Чунки, ваъда қилиган эдим, сиз кутиб ўтирибсиз деб. Юринг менинг кабинетимга деб, Олий Мажлис биносидағи юқори лавозимли, ҳашаматли кабинетларига олиб кириб, креслога ўтқазиб, бир пиёла чой қўйиб бериб, сизни анча куттиридим деб, самимий чин юракдан ёзилган сўзбошини менга топшириб, мени эшик остонасигача кузатиб қўйдилар. Хурсанд бўлиб, ташаккур айтиб кетдим.

Йўлда ўзимга ўзим дейман: Шундай буюк шоир, қаҳрамон мендай мискин, пенсионерга шунча улуғ илтифот қиласа, яна яхши одамлар дунёда кам дейдилар. Мутлақо ноўрин. Ҳисоблаб кўринг, бу аниқланмаган гап.

Дунёда яхшилар кўп, ёиларни яхшиликка ўргатни кепрак.

Одамларимизниң кўпчилиги яхши, яхшилар кўпайсин.

Худоёр Латинов

2002 йил 21 май.

САМАРАЛИ УМР САБОҚЛАРИ

Хар бир инсон босиб ўтган ҳаёт йўли – бамисоли ёзилмаган китоб, суврати олинмаган кинофильм. Афсуски, биз жуда қўп ибратли умр лавҳалари, қимматли ҳаётий тажрибалардан бехабар қоламиш. Кўрган-кечиргандарни ёзиб қўйиш, хотира дафтари тутиш кўпларга одат эмас. Натижада биз ўтган ота-боболармизни яхши билмаймиз, авлодлар запжири узук – юлуқ бўлиб қолади. Бу ўтминини унугиши, унга сарғит деб қараш насл-насабни иложи борича эсламаслик ёки ерга уриш бўлган замондан қолган «Мен фалон йили камбағал дехқон оиласида туғилғанман», деб бошлиниадиган таржимаи ҳоллар кишини порлоқ келажаги учун гувоҳнома бўлиб қолади.

Худоёр Латипов – машҳур чўлқувар, даврнинг илгор ёшлари қаторида Мирзачўли ўзлаштирган, бошидан қўп яхши-ёмон кунларни кечирган инсон. Шеъриятга ҳавасманд бўлиб ёзган дафтар шеърлари ҳам бор.

Суҳбатларнинг бирида Худоёр акага ҳалқумиз тарихининг ўзи гувоҳ бўлган мешақатли, мураккаб даврлар ҳақида хотира ёзини тақлиф қилгандик. Шундай битикни дунёга келгани қўп яхши иш бўлибди. Аввало у авлодлар утун эдалик, китобхонлар учун қизиқарли мемуар.

Хотира ёзини – фақат касби ёзувчилик бўлган кишиларнинг касби эмас. Ушбу китобга тақдимнома битар эканман, ҳар бир ёши улуғ инсон фарзандларга ибрат бўлгулик ҳикоятлар ёзиб қолдиришини орзу қиласман. Уларнинг ҳаммаси ҳам балки китоб бўлиб нацр этилмас. Лекин қўп йиллар ўтиб, келгуси авлодларимиз биздан қолган дафтарларни варақлаб, бобом, момом шунаقا даврларда янаган экан, деб ўзига хулоса чиқарса, бизларни ёдлаб қўйса яхши-да!

Ушбу китоб муаллифи муҳтарам Худоёр Латиповни яқинлашаётгани кутлуге саксон ёши билан табриклаб, унга узоқ умр, фарзандлари баҳтини кўришдек улуғ саодатлар тилайман.

Эркин ВОҲИДОВ,
шоир, Ўзбекистон Қаҳрамони

ТҮРТЛИКЛАР

Дүстсиз ётмоқ Ватанда-
Мисли мурда кафанды.

Саъдий Шерозий

Ёшликда яшардим, мансабимдан ийманиб,
Кексайсам, союзга олмадилар кекса деб.
Бир замонлар сарой шоири қолиб кетгай,
Халқни ўзи олтай ғамхүринг танлаб, териб.

**

Шоҳларнинг уйидаг ҳам бўлдим,
Гадойларникида ҳам,
Зеҳн солдим ҳаёт рамзига,
Ғамсиз одамни учратмадим,
Бир кам дунё эканда-а?

**

Ўтар эканман бу оламдан,
Молу- дунёни не қилай?
Дакиқа бўлса ҳам бўш вақтим,
Ўзимни ўзим хурсанд қилай.

**

Кўшма корхоналар жуда ҳам яхши,
Қишлоқларимиз ҳам эмас-ку вахший.
Деҳқончи маошин бериб, ишга сол,
Ҳаётимиз бўлгай бундан ҳам нақин.

**

Илтижо қилурман сайёralарга,
Ёвуз ниятии айёralарга,
Нодонлар бир куни тушуниб, мудом
Раҳм қилгай мен каби бечораларга,

**

Бирданига ер қимиirlаб,
Томларни урди терграб
Ости қолди зорлаб,
Бечора тоникентликлар.

1966 йил 26.апрель, соатда 5. 30 да
**

Сен бўлсанг олий мансабли амалдор,
Отаиг ёнингда шервозидек ёлдор.
Бундан улуғ баҳт борми ота-болага?
Кўпининг нигоҳи сендан кетгани қадар.

Жамилахонга

Бул хотинга худо ўзи берганда,
Ўзи одийжавоб хотинларданда,
Кам учрайди бундай, ноёб, иффатли,
Бетакрор хизмати «Ўтган кунларда».

**

Она —бала хотинлар.
Ота-бала эркакларга
Нисбатан тез келишар,
Мехрибон ҳам бўлишар.

**

Баъзиларнинг феъл-автори ғалати,
Доимо руҳи тушкун, паст ҳолати,
Қиладиган иши жиноят бўлади,
Қўлга тушгунча таваккал қиласди.

**

Эй биродар! Акуладек нафсингни тий,
Аждарҳодек заҳарли дамингни тий,
Оддигина халқдек, оддий кун кечир,
Эпласанг ғариблар бошин силаб қўй.

**

Хаётим курашда ўтмоқда бутун,
Ҳаммага ҳам насиб этсин ҳалол кун,
Дартоҳига минг бор қиласман шукур,
Кўрган кунларимдан мутлоқ мамиунман.

**

Фаол ҳаётда, далада мунтазам,
Ҳалол меҳнатда ишлаб юрган одам,
Шаҳарда яшаб юрганига нисбатан,
Баркамол, узоқ яшар мудом бардам.

**

Эҳтиосли рўзи-ҳавас ,
Мол-у дунё, балою нафе,
Деб ихтиёрий равинда,
Кўлга тушманг, хибс-қафас.

**

Тушса жигарларнинг бошига кулфат,
Сенга парвона дўст-ажралмас улфат,
Тушмасин ҳеч кимнинг бошита кулфат,
Майли, бўлмаса ҳам парвона улфат.

**

Жүмрақдан жиғлираб узоқ мұддатда,
Челакни тұлдырган сувни бир зарб-ла,
Ағдариб ташлаган «зұр» үхшайды-ку,
Нопок мансабдорлар иши ҳаётда.

**

Мұйтадиллик зиддир; ҳаддан зиёдлик,
Нафсибат шайтонлик маст зұр туядек,
Ҳамма билади ул ношок махлукни,
Молпарастлар билиб қылгай очкүзлик.

**

Келажагин ўйламасдан үстирдинг,
Бола змас, бўлди бало үстирдинг,
Эркалатиб пулни тиқдинг ҳисобсиз,
Бузди уни бефарқ пул, қон қустирдинг.

**

Ҳозирча мен үзим тирикман,
Кундалик ҳаётта шерикман,
Гапингни бировга вайсама,
Үзимга айтгин, на қилибман?

**

Тўра Мирзо қадрдоним,
Жондек азиз меҳрибоним.
Алпомишни қайта тиклар,
Жўшқин шоир, буюк олим.

**

Ҳамма вақт ошиғим олчи бўлди,
Деб ҳовлиқма кундуз оқшом бўлади,
Кунни ярми ёрге, ярми қоронғи,
Қоронғида чироқ керак бўлади.

**

Набираларим дагари Алиёр,
Ундан ўтари ҳам етишиб борар,
Рустам, Жаҳонгир, Бекзод, Дурбек, Жасур.
Олтминн хатта сиғмай, бошим қотур.

**

Юрадим чиқмайман деб нафақага,
Энди ўрмалайман үхшаб бақага.
Иложи қанча, шу ҳам бор экан шукур,
Йўқса кун үхшарди қўнғиздек соқага.

**

Тезроқ кун ўтса деб шонамиз,
Итизор буб тоңг отини кутамиз,

Үтган сайин умр үтганин сезмай,
Нодон жонга ҳам биз жабр этамиз.

**

Пайдо бўлибдики жаҳонда одамзод,
Бирга туғилган эканда ун-ла зиддият,
Ҳатто Оллоҳга умр баҳшида шайхлар.
Дарвешлар аро ҳам бўлгай зиддият.

**

Орифларнинг ҳам бири -ноёб китоб,
Қурби келмас ёзиб қолдирса китоб,
Кетаётир ёзиб қол, қайтарилемас,
Бўл бойлик релеква пайти шул тоб.

**

Аҳли сұхбатта айт , құлмасин ғийбат,
Нодон-ла тенг бўлиб ранжима беҳад.
Құлмищига яраша олгай жазосин,
Кечиримли бўлсанг, бул улуғ хислат.

**

Қўча бўйларида гўза ялтироқ,
Кирсангиз ичкарироқ- ғумайзор , шалтоқ,
Ҳукмдор зулматда ҳақорат, урмоқ
Бу расм бўлмайди, дил ишлат ўртоқ.

**

Руҳинг кўтарилиб, олмоқчи бўлсанг дам,
Кўҳистонга чиқ, ёринг билан ҳамдам,
Эсинг тўлдирай десанг, гўристон ўт,
Ётгаи авлодинг ёд эттил бир дам.*

Ўриснинг Пётр Бири.

Ўзбекнинг Амур Темури..

Ҳар қайси ўз ютида-

Ўз миллатининг ғурури.

**

Тириклик дунёсин кўни-гавжуми,
Уммонда экан, билмас эканмиз,
Ҳайвонот дунёсин кўни -гавжуми,
Саҳроларда экан, билмас эканмиз.

**

Шеъриятда учқур талантлар чиқди.
Абдулланинг сози ер- қўкни тутди.
Беҳлангани улар билан куч қайда?
Рубоий, байтлари умидвор этди.

**

Хоним энди ғолиб, ўз -ўзига бек,

Шул бойсдан бўлиб қолган ул тетик.
Сиз бўлиб қолдингиз, хотинчалиш, ланж,
Дардисар кимга ҳам керак, ўлимтиқ.
**

Яхши одамдан мушкул ажралиш,
Яхни одамга эл доимо таниш,
Сухбати талаш, орзуманд ҳавас,
Гўё ёмғирсиз куни йўқ ғўралаши (Зомин тоғида)
**

Мен ҳам учрашганда, ҳам арқаварон,
Муносабати бир хил бўлса дейман,
Учрашганда ўпид, орқадан ҷўкиб
Юрган номард, аblaҳ кишилар дейман.
**

Меъёрида еб, ўз вақтида ишлаб,
Парҳез – рўзада ўз вақтида ухлаб
Нафсини тийған қаноатли киши.
Умр кўргай мумтоз, ўтгай куни қувноқ,
**

Турсунбой Латиповга

Одамзодининг нақши эрди Турсунбой,
Телба-тентакка баҳши эрди Турсунбой,
Жоҳилларга вахший эрди Турсунбой,
Меҳнаткашга яхши эрди Турсунбой.
**

Мартабага пул-ла эришиб бўлмас,
Эришганилар муқим асло туролмас.
Фақат илм - ҳунарда машҳурдир инсон,
Сохта юлдузга еру кўкда жой бўлмас,

Тошмуҳаммад Саримсоқовга

Саримсоқов билан кўп бўлдим бирга,
Сухбатлашиб дердим:- Учрадим пирга.
Том маъноли эрди унинг ҳар сўзи,
Ҳаёт сирларин ўргандим бирга.

Жамоа кексанни эъзозлаб ясрап,
Зориқтирмай боқар, йўлда етаклар,
Ётиб қолса қаар, тозалаб тараф,
Қўлин очиб, дуо олиб сунг кетар.

Боласидан жудо бўлган кийикдек
Боғим қолди иочор, сув ичмадим деб,
Қочган -күтгап сувни излаб, етаклаб,
Зориқиб, сув излаб юрибман бўзлаб.

Отамдан

Эшак нар хар, пишак нар хар,
Кўчангдан мааст бўлиб ўтдимми?
Гуноҳдан таъзир айлаб эй раис,
Палидни бозорга элтдимми?

Арз қилгали кимса топилмаса,
Молингни кундуз куни ўғирласа.
Тушмасин кимсам иши мелисага,
Чақиравериб жон ҳолингга қўймас,
1988 й

Ишлайин деб келган давни қайтарманг.
Иш бўлсин деб, елиб юурса, талтайманг.
Бахолаш учун давни ишлатиб синанг.
Дилдан қилса меҳнат, дилин шод айланг,
**

Кайнатсанг ўрикни, лаззат таъми бор,
Ўрик еганда на меъда, на ғами бор.
Ошқозон бўлса соғ-касал юқмагай,
Ошқозондир дардинг боши- ул акбар.

Оллоҳим обу раҳматин сараси
Қор ёғди, ёғди нон, қор она боласи.
Фаслингда келмай қолсанг, ҳолимиз тант,
Хуш келибсан, Оллоҳ нури дедаси

Менинг зотим, номимни тутиб,
Қилган ишим тақрораи этиб,
Фалон зотдан деб эъзозласалар,
Ётардим, рост оёқ, узатиб.

Донишманддан сўрабдилар:
— Одамлар орасида недир ёмон?
— Келишмовчилик энг бадбахти ёмон

Келишмаганлар оқни қора дерлар
Бир- бирларини ғажийди бегумон

Үзбекчасига Қинибек – Жонибек,
Хаётдан ўтди бетакрор, асил бек.
Дүстлик риштаси, ўзбек, қирғиз, қозоқ,
Бўлгайми яна нечтаси шундоқ, бек?

Гулистанга

Бир одамда бўлса шунча куч- қувват,
Тўрт йилда қайтадан кўрди маҳоват.
Кўчалар ойнадек, оқном чароғон,
Иккинчи Тошкент десак ҳақиқат.
**

Худойимга минг бор шукур айтаман,
Қуролдоши дўстларим зслаб ётамани,
Хазон бўлган дарахт баргидек қуриб,
Қалашиб ётарди, уруш байталмон.

**
Тушса қариндош ўртасига ғидир,
Сен бартараф этиш йўлини қидир.
Бир – бирларини учратиб кечиртири,
Шунда дейдилар сени Хўжай Хидир.

**
Ўзи баракали иш қилолмайди,
Қилганни янийди, хеч кўролмайди.
Гўнгдан сокка ясаб қўнғиздек қимтиб,
Ул ёқдан бўл ёқка гинишиб тинмайди.

Кичкина холнинг дастидан жарроҳлар,
Ёрди қорним, чиқди ичак – чавоқлар.
Мардлик нипони дер мардум Холдорни,
Тандаги илондир ҳаким, жумбоқлар.

Боқарди нописанд йигит унга санг (Тони)
Энди буқчайибди, – дейдилар: Аттант.
Салтанат ҳеч вакт холи бўлмаган,
Ҳамма замонда кимдир эгаллаган.

Бўлган барча жанг – жадал, қирғинлар,
Салтанатни олиш мақсадда бўлган.
Одам Атодан ҳозирга қадар
Одам орасида зидлик мұқаррар.

Анинг жабру жафосин мүминлар тортган,
Шайтон, ғаламислар давлати ортган.

Қишлоқда яшаб, шаҳарга тушаман,
Зирвардек қайнар бозорга ўтаман.

Бозор қозондек, берарди ўтга бардош,
Тұганини чигар доллар асқотаман.
Сени янитан одам ўзи бўлса

Тоза, ғарзир қиласа дўқ, — пўписа,
Халқ тан олмаган, ахлоқсиз настқашдан
Хафа бўлма, ким ўзи, гапи бўлса.

Чиқса муносиб қизнинг ўз севгани,
Маъқулдир уни эртароқ бергани.
Албатта таг- тубин суриштириб,
Берсангиз, бола баҳтли кун кўргани.

Чиқса қиз боланинг севган товуни,
Кирии ювган бўлса унинг совуни,
Ўриб олган бўлса буғдой, *жоғипи*,
На қиласиз қарши бўлиб, бўй товуни.

Ҳар бир тапда бор ўзича бир маъни,
Менга етарли Оллоҳим бергани.
Оғритмасалар дилимни бўлгани
Шудир ҳукмдор менга ганж бергани.

Сўради одам, деб берибман китоб,
Ул бўлса бўлгабди қўлга олган тоб.
Онгиз экан, билмай берибман ганжни,
Үнга лозим ароқ, ётса юмалаб.

Иирик фирмани оила олмоқда,
Үнга зарур ёрдам бермоқлик қайда?
Уни оила эплай олмайди-ку,
Гўшт, сут, тухум камайиб бормоқда.

1991 йил.

Шоҳининг дутимани шоҳ, гадоники гадо

Дердилар: — Ҳаётда кўриб, бўлдим тувоҳ.

Гадоҳларни келиштириб олмадим,
Гадоҳ ҳам ҳасадгўй бўлар, эй худо!

Сталинград фронтига кетар чоғимда,
Урсатевскийдан ўтар чоғимда,
Тушида кўриб, пойлаб ётаркан отам,
Тасодифан учратдим чойхонамиизда.

Кексалик гаштини суринг, дейдилар,
Меҳнатсиз қанақа гашт, билмайдилар.
Меҳнат билан тирик инсон боласи,
Тирик ўлик, батъзан тушунмайдилар.

Дилимиз кеңг, яхци гап, ёмои гап ҳам
Дилда сақланар, ул умрбод ҳамдам.
Яхши гап тушганда ёдга хушнуд этар,
Ёмон гап жиз этиб тананга ситам.

Илк бор қурилган Мирзачўлистанда
Канал- латоклар устида кошона.
Нақинин жиҳозларин шилиб ваҳшиёна,
Тиши тушган маймундек бўпти молхона.

Қойил қоламан митти чумолига:
Йирик маҳсулот ташир шул ҳолига!
Бизнинг таинбаллар ётиб, бадан қашир,
Кунда берсалар бўлди нафсига.

Илҳом келса, дилда шеър-қўшиқ пайдо,
Шеър-қўшиқка жону-дилим хувайдо.
Ишқ водийсида гул ғарқ очилганда,
Дедилар: — Дилбаринг оламда таниҳо.

Эй биродарлар! Юртдошлар, истиқдол!
Қолидан кўчди ғишт энди бемалол

Бошимда хумо қуш, бу ёғи бизга
Яиги замон, меҳнат қиласайлик ҳалол!

Батъзилар мансаб деб кечгай иймондан
Мансаб утун кечгай номус-вижданда.

Дурустроқ лавозим эгаллаб олиб,
Харажатим қоплай деб, иши бошлар зымдан.
Кимса топмадим нолимасдан ўтган,
Бўлса жаҳонгир, юртларни қақшатган.
Барибир ўзга рақибга у дуч келтан,
Жаҳонгир ҳам тўймай дунёдин ўтган.

Жаҳолат устида айтилган гапни
Ташувчи бўлса, бузгайсан соз тобни.
Тоб ташласа дутор, тандирга ўтин,
Созловчи бўл, сугур болтадан сопни.

Материал бир хил, паҳтадан кўйлак,
Факат тутгаси садаф, шул-чун бўлак.
Ҳаворанг тугма товлади хусини
Нархи осмоңда, эгаси зўр тулак.

Нобоп, дейдилар гина-гидратчини,
Кулғат тушгандা, сўрамас оға-ини.
Нимага керак қариндош-уругнинг?
Яна гидратчи деб айблайди уни.

Үстозим – Носир ака менга қўёш,
Ул эди ҳақгўй, Пайғамбарга йўлдош.
Иzlайди ҳамон чўлқуварлар уни,
Ҳеч кимса босолмас унинг ўршини.

Мартабада сиз ҳозирча билмайсиз,
Ёшлиарни назар-писанд, қилмайсиз.
Ёшлиарда истиқбол, сўгин билгайсиз,
Тушган сўнг амалдан пушмон егайсиз.

Үйқумдан сапчиб, оқшом уйғонаман,
Қалқир дилимда шеър, ёзиб оламан,
Баъзан тополмай қолсам қалам, дафтар,
Даб- дурустдан мушт егандек бўламан.

1991 йил.

Мустақил Ўзбекистонга

Ким қилмас экан ҳаққинга дуолар?
Қандай шоир ул, ёзмас мадҳиялар?
Қанча отмасин дуо, ҳақингга-кам,

Ҳамон ўқирман ҳақингга дуолар.

Бирорнинг ганини бўлманд,
Ганириб бўлганича тингланад.
Кишилар гашлашиб турса,
Олдидан чўрт кесиб ўтманад.

Учрашганда қутоқ очиб кўришиб,
Ўтирганда қаҳ-қаҳ уриб, ўйнашиб
Вақтиоғлик билан ишда беллашиб,
Мустақиллик гаштин сурсин қўллашиб

Тифинг баданингга санчилгур қассеб,
Улубек бошини кестаидан Аббос,
Елинида сути, қорнида боласи
Сўйидлар зотдор сигир ва новвос.

Норинлик Фуломжонга

Йулбарсдек ўқтам, қиличдек пешдам,
Чўзилиб ётар, кўргани кирсам.
Қимирлашга йўқ мадори, кўрсам,
Мардга ўлим йўқ, мангу тириксан.

**

Эл кимдан қочсан, ўшал эл ёмони,
Эл авлиёдир, адашмас гумони.
Адолат эрур ҳаёт иймони,
Адолат қарор топса, шул армони.

Ҳалимахон опамга

Жужинка кўйлакда оққушдек қалқиб,
Борарди чўлда, баҳт қуши келди деб.
Деҳқонлар қувонар, кўнгироқ овоз.
Гулдурос қарсаклар, тинглар мириқиб.

Исфандиёр ўғлимга

Ўғизларим дагари деган эдим сени,
Тенгиз курашга тушдинг ўзга элда, қани
Энди кўрайин сени- тан олдилар сени,

Еалаба сен томонда, хурсанд қылдинг мени.

Навоий, Бобур, Эркин, Абдулладан
Ким бор улустроқ, кимни дерлар соф-пок?
Илхом париси шулардир ўртоқ,
Латифийга бўл ота мерос шундоқ.

Ақзилилар ўз ақлига ипониб,
Беакликдан ақдизилар тошиб,
Ўртада дўстлик кетгай чўғ ёниб,
Шул-чун мушкул дўст, юр халқча суюниб.

Тўқишимасин десанг, аёғинг бос ерга,
Мункимайин боргайсан манзилга.
Иш қилгин шуидай, нафинг тегсин элга.
Ду олурсан, ул топилмас пулга.

Дейдилар: — Боладан ҳам иевара ширин,
Бола кўрмай қолса-чи келин?

Шўри қурисин, худо кўрсатмасин
Ул ўй мозор, ҳаёт — бир тийин.

Даркор эрур элга, ҳар қачон саркор,
Бўлса адолатлик, ном олур шунқор.
Қарор топиб поклик, камайгай шайтон,
Мустақил замонда шундайлар даркор.
Тайғолинган олим, шоир — мўътадил,
Улар эл ғамини еб ўтган соф дил.
Ёқмас ул дегани ҳукмдорларга;
Ёққан, дорга остан, нес этган нуқул.

Жами мутафаккир, олим, шоирлар,
Элга сиғмаган шул-чун муҳожирлар.
Замон ҳеч ким мантлайн силамас,
Муҳожирликда оҳу зор, хор ўтганлар.

Боламдек бағримга босиб ётаман
Дафтгар, қалам, ёзган асарларимни.
Ўзгалар сезмайди қанчалар ундан
Олгани лаззатимни, тасаввуримни.

Гул бўлса дейман Ўзбекистонимни,

Яшина дейман булбулистонимни.
Арзончилик бўлиб, унса мўл — кўлчилик,
Яйратса дейман ўзбегим — жонини.

Акмал Икромовда тўртта директор,
Жамисига якка- ягона бир хутор.
Гулзор, хиёбонлар қурибди- ўтин,
Қишлоқ сувсиз, чечак чиқандек чўтири.

Оллоҳим насиб этди, бўлдим Ҳажда
Фақат қиласман Оллоҳга сажда.
Баъзи риёкор савдогарлар Ҳажга,
Зиёратга деб, борди чайқовчиликка.

Президент буйруғига парво қилмайди,
Сўраса, дехқонга ерии бермайди.
Фермер бўлайин деб дехқонлар сарсон,
Ижроси шайтонда, кўпии аврайди.


Мансабдор келиб қолса хонадонга
Дарҳол солгайлар шойи кўрпа тагига
Орқа ва ёнбошга қўша пар ёстиқ,
Сўнг сотиб кетар сени битта чаққага!

Ўйнашмагин зўр билан,
Учининг кўзи қўр билан,
Лекин сиз ҳам мансабдор,
Сиз ҳали ҳам гур болам.

Юрак пособон, гуё штаб мелиса,
Дарак айлар шу тоб, яшицдек сизга,
Ҳар қандай хуш, нохуш хабардан огоҳ,
Безовталаанса, тез чоптириng «тез» га.

Шифобахш гиёҳлар сирини тўлиқ
Хеч кимса билмайди, ўрмондек бўлиқ.
Бир қисмини очган буюк ҳакимлар
Ҳали келажак зот очгайдир тўлиқ.

Арзанда ноёб битган дурдонамани-
Машаққат-ла яратган нурхонамни,
Яқин кипшимга нафлан деб бердим,
Ул палид олиб, бермас дурдонами.



Үп йил ўтар ё йигирма йил ўтар,
Жүр ишлаганлар тарқалишиб кетар.
Бирор сабаб-ла учрашиб қолсалар,
Ланг ёзиб қулоч, ўпишиб эслашар.

Доно, яхши одам учратиш мушкуз,
Учраб қолса, ушлаб кетидан тушгил.
Биргя ишила ишида бўлгай баряка,
Ишланишиб кетсангиз худога шукур.

Номуносиб амалдорга

Маст туядек сизни ўқиртган нима?
Мансабдорлик кучи, сиз ўзингизча.
Деҳқон ҳам, қурувчи ҳам, ҳаммаси сиз,
Тушкандан сўнг оддий инсон «бойвачча».

Мазанг бўлмасдан, ланж бўлиб қолсанг,
Юрмагин лаллайиб, ҳакимга борсанг.
Дардингни даволаб, руҳинг кўтариб.
Чиқарар, қиласвер сўнг нима қиласанг.

Неварам Жамшидга

Кекса бобонгга сўйламагин ёлгон,
Ўнда қиласан уни абтор —фифон.
Ул жуда сезгир, авзойингдан сезгай,
Ростгўй бўлсанг, ул сенга беради жон.

Зулм устига зулм,
Мустақил бўлди элим.
Халққа асорат солган
Гдлянга ҳукм — ўлим!

Ул индаматани — ёқтиргмагани.
Ичида сўкиниб, бўхтон қилгани.
Тепинишиб ўтса-чи, тур, кет дегани,
Муносабат шул — яшайди тани.

Тенг хуқуқиман деса эр-хотин,
Жанжал тинмайди. Сабаб — ким устун?

Бирин тан олиш керак, эркак маъқул,
Шуида бўлади гўзал турмуш, хуш кун.

Андижон плёнкаси,
Тушди элга кўланкаси,
Хирмон бўлур делянкаси,
Бизда пахта-йўл ёқаси.

✓ Табиатни асранг, бирга ташланг қадам,
Гўзал табиат борки, бизлар одам.
Ер, иурли қуёш, зилол сув бўлмас-
Биз мужмал, дардман, тажанг, гариф олам.

Сайр этгали чиқинг кўркам тоғларга,
Яхшилар яратган Эрам боғларга.
Даладан йигилган гиёҳлар устига-
Ҳеч бўлмаса, гўзал хиёбонларга

✓ Унутманг, табиат- соқчи одамга,
Истеъмол қилиндан авиаал тозаланг,
Яшириб киргай гаңдалар нўстига.
Яна заҳарланиб қолманг дастига.

Қизларим — қирмиzlарим,
Оқшом, ой, юлдузларим.
Кундуз-қуёш, ишига бош,
Сизлар-ла обод рўзгорим.

✓ Излаб келур жигарим,
Деганим туting дагарим,
Ҳозирча ётар эътиборсиз,
Қачондир уйғонур гавҳарим.

Босқинчи ҳукмрои золимлар ўтди,
Муштумзур аталмиш замона битди.
Халқ излаб ўз ўюлини ўзи топмоқда,
Мустақиллик орзу-тантана этди.

Бўлгунча юлгувлар даргоҳида шоҳ,
Бўл мўмин, дарвешлар даргоҳида гадо.
Иймонни бут сақлаш ўзи-ку шоҳлик,
Икки дунёинг обод, сен-жаҳонга шоҳ.

Мирзачұлда

Зовур, дреклар бўлиди шилшиқ - кўр,
Карталар оппоқ қор босгандек шўр.
Ишдаш чиққан ер-касал, туберкулөз,
Қўйтикан, шўра қайдин фалокат зўр?

Ҳамма гаи виждонда,
Виждонли раҳбарда.
Отии ҳам виждонлиси
Ўзар кўпкар чопгандада.

Мени шоирсан, деб асло атаманг,
Шоирлик ниятим етмай ўтаман.
Ёшлигимдан ният эрди шоирлик,
На қилас, этмаса насиб, қайтаман?

Ҳай, налоговой инспектор,
Бозорларни жиддийроқ текшири.
Деҳқонни бозорга кириптин,
Чайқовчи бирга олиб учга сотур.

Ҳой, ўртоқ хокимлар!

Мустақиллик қадрини әъзоз қилинглар,
Қоңууларни элга тушпинтиринглар.
Янги замон талағ этур ҳалоллик,
Поклик ўзи бўлмас, жорий этинглар!

Амалдан тушганини қўйинг ҳовузга,
Оғиб кетмасдан ғаламис ёвузга.
Сувни у ёқдан ол, бу ёқдан ол деб,
Қичқирсин ҳовури тушганча бўғизга.

Кўм-кўк, оппоқ, соқол гүё қўйган қор,
Қўлида қайчиси чеканка қилур.
Гоҳ қулолчаб кетмон уриб бўшатур,
Тинмас чол, шул- чун боғ барака қилур.

Абдулла Қаҳҳор Абдулла Қаҳҳор бўлган,
Адабиётта япги мұхит кириктган.
Ул фақат роман, қиссановус әмас,

Үстоз адіб ва булоқ ориф бұлған.

Раққосалар султони Мукаррамахонимга

Мукаррама худо берган талант эди,
Жойида буралаб рақс қыларди.
Баъзилар бұлай деб Мукарамхон
Үқуви келмайди, бермаса бўлмайди

Китоб

Ҳар бир боби тоғнинг жилғаси монанд.
Тоғ жилғаларида турли хил маъдан
Китоб бобларида маъдандан айло
Адо бўлмас маъно, сезгайдир дил-тан

Ҳўжамушкентлик Муҳаммад Алига

Муҳаммад Али- Мирзачұл султони,
Ўзлаштириши чўлқуварлар нари.
Ишибилармон Ҳўжамушкент саркори,
Даргоҳи очиқ зотидан азали.

Фарзаиларим дагари Исфандиёр,
Ота авлод Лангарий Исфандиёр.
Раҳбарликка мойил гўё Ҳумюн,
Зийратимга саркор сен Исфандиёр.

Шахсга тегадиган, тапни тапирманг
Меники маъқул, деб қўпам тапирманг,
Андишани қўрқоқ деб ҳаддан оширманг,
Биродарлар юзига қараб тупурманг.

Инесон боласининг жамиси -инсон
Истаганий берсанг, қўнглини тополсанг.
Шашт-ла отта миниб сени айлар шод,
Ул ҳам хурсанд, сен ҳам бўлгайсан хурсанд.

Орифлик ўзбекка наслан хос одат,
Боғ яратмоқликини дейдилар! — Саодат!
Боғбонининг саркори-буюқ Раҳмоний

Боги ўз элига тухфа-муруват.

Ишда «фитиачи»нинг бўлгани яхши,
Ахтариб нуқсонинг тургани яхши,
Миш- миш тарқатар, сен ундан огоҳсан,
Ҳайиқиб, тийилиб юрганинг яхши.

Агар кўрсатсалар доноға ситам,
Ноҳақлик дардидаи бопни бўлгай ҳам,
Аммо қанча этманг саъий-ҳаракат,
Нодонни қилолмас доно ҳеч бир ҳакам.

Отасига минг бор лаънат бу пулни,
Ўртага тушса, солгай совуқ кунни.
Оши-оғайни ул ёқда турсин,
Совутар ака-ука-ю келинни.

Хонанда Орол Мирзо, аттанг ожиз,
Оллоҳим берган унга овоз тенгсиз.
Бул йигит халқининг мўъжизасидир,
Шумдайлар умри порлоқ, эъзозлангиз.

Соҳта сипо билан бўлгандан кўра,
Оддий дехқон билан бўлиб бир кўр-а!..
Эшият дил сўзини, ҳақнинг ростини,
Дилинг лайраб завқга тўлур, минг карра.

Луғовий маъноси- аслим турк мени,
Турк дегани қўрқмас, ботир дегани,
Фоби саҳросидан Ўрта Осиёга
Юрганда хунлар, турк саркор дегани.

Умр узулгай дафъатандан
Ҳеч ким тўймагай жаҳондан.
Чўрт сингай кетмон даста чўпдай,
Яхшилик қолсин элга сендан.

Отам мендан ризо бўлсин десанглар,
Биронни ёлғон гап ила алдаманглар.
Зор бўлсанг, гадолик қил, ўғрилик қилма.
Элдан дуо олинг, қарғишга қолманг.

Бог кўкарса дейман биёбонларда,

Инак ўзи, түя карвои йўлларда,
Одам яшайдиган маҳаллаларда
Хасиқ яшасин тўкин ҳиёбонларда,

Дунёдаги жами жанжалу талаш
Молу – дунё мансаб билан аралаш.
Нафсибад шайтонлар эл-юрт ороми,
Удабдек ўраган, заҳари аралаш.

Нишиона қолдирмоқ- ягона тилак,
Номардларга берди бардош бўл юрак.
Ҳисобсиз, қанчадан -қанча хўрликлар,
Мевасин емокда эл, менга шул керак.

Машаққат-ла фарзаандларим ярдоқлаб,
Илм бериб ўстирдим хулқига қараб.
Мен болам десам, ул ҳам болам дейди,
Майлига юрсинлар кўзига қараб.

Ҳар бир инсон ўзи қилгани ишида,
Манфаат топсинда ўз қилмишидан.
Ўзига манфаат келтиргмаган-
Жамиятга фойда бормикаи ундан?

Хунаса кимdir?

Ўзбек ўзбекни кав-кавлаб яниса,
Бир-бирин чўқиб, «оғасин» тан олса,
Сабр тиламай Оллоҳдан қўшимча,
Бармоқ тиласа, ўшадир хунаса.

Замона ёғдуси ўзбеклар учун,
Энди кўрсатайлик истиқол кучин.
Йўқдан бор қилувчи виждонли инсон,
Борни йўқ қилувчи виждонсиз инсон.

Мустақиллик ўзи-бахтнииг келгани,
Мулкимиз бизники-худо бергали.
Кўпроқ бўлсин учун толмайин ишлайлик,
Тенг ҳуқуқлик давлат биз, давр келгани.

Мен деганга ҳозир қўиллар эмас зор,

Шайтонлар ўзича ақлли, бисёр.
Худойбердича билмайди Худони,
Бони тегса тоңта, пушаймон бекор.

Ақл -доноликни баҳш этар китоб,
Хулқи зиёликни баҳш этар китоб.
Дардга дармои, таңға қувват, мўжиза,
Истироҳат, лаззату нур, ҳикмат китоб.

Ўзимнинг одамим деб сиз ўйлайсиз,
Шул боисдан ҳар хил қилиқ қилгайсиз.
Ул рањиб дер сизни бўлмагур одам,
Сизни сотиб қўяр, билмай қолгайсиз.

Гар мен ўлсам, ҳалқим кўмгай тепкилаб,
Ношуд, ғариб учун юрманглар йиғлаб.
Дуо – фотиха қилиб гўрим устига
Кифоя, ўсса бўз ўтлар туркираб

Этайлик деб Мирзачўлни бўстон,
Бор кучим, умримни ҳеч аямасдан,
Ҷўлқуварлар билан беллашиб бирга,
Ишладик бўлиб бир жон-у бир тан.

От босган изни той босмоғи лозим,
Фозил инсондан туғилтاي мулозим.
Ахмоқдан чақмоқ туғилса илоҳий,
Бундайлар иоёб, қиласанг арзир таъзим.

Наъшадор йигитнинг номи эъзозда,
Жамоада ўзи бундайлар оз-да.
Қўкрагида ёли бор, ёвга тайёр,
Халқнинг соққиси-нодир, мумтозда.

Мансабдорларнинг каттасидан кўра,
Кичиги баттол, довуҷчадек ғўра.
Қовоғидан қурт, чак томар, димоғдор,
Каттаси дилдор, завқ- меҳрга тўла.

Инсон тоҳ ютади, тоҳ ютқазади,
Ютса қувонади, ютқазса ёнади.

Хаёт ҳар хил-саҳна талашур яна,
Голиблар қувонида, маглублар сўнади.

Умрбод тарихни ўқиб ўргандим,
Замонлар синчилаб, таққослаб кўрдим.
Дентизда сузаёттан кемадек ҳаёт,
Пўртанига чидаган яшашин туйдим.

Ўзбекистонга

Ватаним деб жондан ҳам севдим сени,
Ватаним бўлганинг учун ҳам менинг.
Тупроғинг олтиндир сувинг зарҳалдир ,
Қуёши меъёри ватаним менинг.

Баъзилар ўзига ўзича қаҳрамон,
Гарчанд қилган иши бўлса-да гумон.
Сен қиссанг, ўзгалар мақтаса сени,
Шундайлар арзиди, десак қаҳрамон.

Юз киши рангин таниганингча,
Бир кишининг исми-шарифин англа.
Касби-корин, турар жойин ёзиб ол,
Сўроқла, бил умринг борича.

Дехқонга бўлса ҳўжайин прокурор.
Мелиса бўлса иши боши «мардикор»,
Дехқон қўрқади, қиласин билмайди,
Үнда агроном, раис хоким)на даркор?

Қанча кун чиқиб ой ботганин кўрдим
Отин ўйнатиб кезганларни ҳам кўрдим
Вафо қилмади ҳеч бирига дунё
Яхшидан-яхши ном қолганин кўрдим

Илиб-илиб ёз бўлур,
Совуб-совуб қини булур.
Тиниб тинчимасанглар,
Баракаси мўл булур.

Шаробни ҳушидан кетганча ичиб,
Шобдайин мўйлави тарелка кечиб,

Артишга етмайди ҳоли-мадори,
Етиб қопди, ит келиб кетибди ялаб.

Амал кучи-ла юрибман маст-алааст,
Оддий оммани ўйлабман мендан паст.
Мансабдан тушган сўнг қирибди эсим,
Ҳамма инсон, бир мен эканман паст.

Одамнинг тозаси, соддаси дехқон,
Мехри ерда тўғон қоришган дехқон.
Ери билан жони арадаш дехқон,
Тилар баракасин Оллоҳдан дехқон.
Риёкорликка қилолмадим тоқат,
Юзига туфлаб, ранж этдим бешафқат.
Риёкорларнинг найранги пинҳоний,
Баривир бўлтгай ошкор, ёққай нафрат.

10-«а»даги ёдгорлик

Машақұатли бўлган эди қурмоқлик,
Осон бўлибди йўқ қилиб бузмоқлик.
Жангчи шаҳидларга мозор эди ул,
Мозорни бузганга ҳукм-кўр бўлмоқлик.

Баъзилар борки, тонг аzonдан келиб,
Шайтонлик қиласи аврамоқчи бўлиб.
Сезиб тураман, аммо ранж этмайман,
Йўлингдан қолма деб қўяман кулиб.

Дил озорлик-асли буюк бир гуноҳ
Ким бўлмасин: ҳоҳ шоҳ, ҳоҳ бўлсин гадо,
Ҳаққинг йўқ бировга озор беришига,
Дил озор шайтондир, дилбар Раҳмоний.

Дил овламоқлик, ноёб бир хислат
Онадан худо берган тутма санъат.
Макка-Мадинани тавоб этгани каби,
Ориф инсондан мўминга мурувват.

Бутуити кунни илоҳий олимлар.
Беруний минг йил олдин билган.
Фарб томонда бир қитъя борлигин
Илмий асоеда таъкидлаб кетган.

Ёзолмасам ҳамки устоз Ҳайёмча,
Замонамни битдим ўз имконимча.
Ҳавас билан таассуф қилиб дочинга.
Зийратта қолдирай имкон борича.

Қариндолпим Носирга

Дил хирагининг ўқ томири пул,
Ишлар чалкашлигин ён томири пул.
Жигарбандлар кетган юз кўришмасдан,
Бир-бирип пичоқлаб, сўйдирган ҳам пул.
2000 йил 16 август куни Свердловск
шаҳрида укаси акасини сўйган.

Қизган ишингдан бўлсанг ўзинг хурсанд,
Узгаларни лол қолдириб юролсанг,
Рақиб-хамилён, жигарларинг шодон,
Арзиди султондек эл аро гапирсанг.

Ҳар қандай кимсанинг ҳаёт йўли бор,
Этам ато этган хулқ- автори бор.
Оллоҳ берганини ишлатади, билгин
Марду майдон ясло бўлмас ҳору зор.

Сиртқи душманингдан ичкиси хафли,
Кўлида дудама, пичоқ шоҳ сонли.
Сирингдан огоҳ, тоҳ ҳуд, тоҳи беҳуд,
Пайт пойлар, ноинсоф, бўлмас инсофли.

Пахта фариштали ихлосманд экин,
Барака қилмайди бекорга- текин.
Гўдакни боққандай йил- ўн икки ой,
Покиза боқасан- беради ҳаққинг.

Фаранглар, олмонлар, АҚШ, японлар
Юртимининг расмини олиб кетмоқдалар.
Самарқанд, Бухоро, Хивадан ҳайратда,
Меъморларимизга тан бермоқдалар.

Шеърни шеър деманг, қатламдор бўлмаса,
Ўқисанг, юрак ёғутга тўлмаса.

Қүйнинг жилигин мижиган каби таъм,
Мазза қилдириб ҳўши, лаззат бермаса.

Ўзбек, Қозоқ дўстлигин,
Ониң -машуқ эллигин,
Тимсоли эди Қинибек,
Ҳамон кўйларди бирлигин.

Виждонли инсонлар кексайганда ҳам
Виждонни сақлар, дод төккизмай мудом.
Мунгайиб қолса ҳам тиниб-тинчимас,
Орият-ла ўзин тутади маҳкам.

Замона ўт, ўт-ла ўйнаниб бўлмас,
Ўйнашган таптига дош бера олмас.
Жиг- бийрон қилдирар, талқон туйгай,
Эси бутун киши ҳеч қарши бормас.

Яна зерикарли қиши, оқишом узоқ,
Тонг отини қийин, тунгандек тузоқ.
Типирчилақ тинмайин тонг отганича,
Ке Консирағайқу тобора камроқ.

Консираган қассоб монанд пишқириб,
Қимдаидир норизо «олим» ўшқириб
Мансабнарастлар бир гурӯҳи бир бўлиб,
Юрур мустақиллик давридан иолиб.

Батзилар харжлаб пул, қаҳрамон бўлдилар,
Мехнат қилганлар безрайиб қолдилар.
Ҳаёт зигзагин кўзим билан кўрдим,
Юлгучлар юлдилар, керагини олдилар.

1981 йил

Хотиндан сўра пул, чиқини қийин,
Қовоғин солиб, ҳисоблар тийин.
Пул берсанг, балиқин лиқ этиб ютган
Ҳрдак монанд юриб, тушмоқчи ўйин.

Үйда ўтириб қолмоқ қанча азоб,
Үй ишқибозлари, жами бемор-бетоб.
Тиниб-тичимас доимо саломат,
Иймони бутун халойиққа савоб.

Фарзандларимга

Риёкор жоҳилдан ўзингни сақла,
Гапига эргашма, ишига қара.
Жигаринг ачиниб айтса, дўнг кўрма,
Ноқонуний ишини десалар, қилма.

Баднафс беш пашжантни солма оғзингга,
Ён-атрофингта қараб юргин йўлинга.
Қувватинг борида ҳалол йигингин.
Кексайганда даркор бўлгай ўзингга.

Бир кун мансаб сени ҳам тарк этар,
Сени ҳам мўминлар қўрига элтар.
Мансабдор чоғингда элни ризо эт,
Кам бўлмайсан, сени ҳам эъзоз этар.

Ўғлим, сендаги савлат амалини,
Қизим, сендаги қомат камолники.
Иккисининг ҳам даври ўткинчи,
Кеккаймай, пастроқ тушинг, сиз ҳалқники.

Кечакуидуз ўй-хәёлим: не қилсан,
Яхшилик бўлур эл- ҳалққа тузсан?
Оллоҳ инъоми эрур мустақиллик,
Оҳ, ривожига қани ҳисса қўйсан. ↗

Ҳамма «кулоқ» бойлар жоҳил бўлмаган,
Ҳамманинг қўлидан бойлик келмаган.
Иморати ярим аср сақлади бизни,
Жоҳилликни қилдик жоҳил билмаган.

Комил фазанд эрур роҳати жонинг,
Мустаҳкамлар пишиқ гиштдан қўргонинг.
Набиралар урчир, сен иикубатор,
Шул эрур дунёда кўрган роҳатинг.
Ниятим-қилсан инсонга яхшилик,
Йўқолса дейман инсонда ваҳшийлик.
Душманга ҳам оллоҳдан тилайман баҳт,
Ҳаммага берсин, иймон бўлсин тўлиқ.

Отамдан

Бозорга боққол ярашур,
Йигитта соққол ярашур.
Соқоли йўқ йигитга,
Қории дам хотин ярашур.

Шифобахи гиёҳлар, ўрганиб олинг:
Оллоҳим инъоми, баҳраманд бўлинг.
Фитобар очдилар, танжи сочдилар,
Ховлингиз саҳнини аптека қилинг.

Гиёҳ шарбатлардан мунтазам ичиб,
Богимда юраман уст кийим ечиб
Шул боисдан тетик, бардам юраман,
От мицаман, ўзим боелайман ечиб.

Шайтоиларниң туғди қуни-замони,
Омийларниң шўри қурди заволи.
Ҳозирча ССРда аҳвол шундай:
Кела колса мустақиллик замони.

1988 йил.

Эл мақтаганинг орқасидан қолма,
Хизматида бўл бемишият, ҳеч толма.
Аччиқ сўзини егин-нақшин олма,
Сенга тарбия, ёдиндан чиқарма.

Эл ғамини енг, сизни ардоқлайди,
Эл дилини деңг, сизни қувватлайди.
Рост гапни сўзланг, рост гап этилмайди,
Нафсингни тий, пок бўл, сени ёқлайди.

Жаҳон оламини зеҳн солиб кездим,
Ҳеч бир гавғосиз кимса учратмадим.
Ҳар жойда ҳар хил, ўзгача ташвиш,
Фақат не бор ул дунёда, билмадим.

Мақтанчоқлиқ ҳам ракдайин қасаллик,
Жарроҳ кесса ҳам, давоси хатарлик.
Оқибат- ўндан бири қолса ҳамки,
Омон қолгани ҳам хавфли-хатарлик.

Кимни ёқтириласам, ташламайман гап,

Гапирса нохунпроқ, бераман жавоб.
Үзөкроқ юрмоқдик ёмондан – савоб,
Ари уясига чүп тиқмоқ – азоб.

Одам бурда ион, бир коса овқат ейди,
Баъзилар яхши ей, яхши кияй дейди.
Тушунмайды фарқи нима, бир оқшом сўнг
Хузури ҳожатта, азобин ул ейди.

Меҳнат қилгин ҳам ҳурсандчилик, роҳат
Иккисин қўшиб юрсанг, сен саломат.
Ўила тинмасдан, изла, қидир, топ-
Йўл тополмасанг, умр ўттай молсифат.

Роҳат нима? Аввал мўътадил ҳаёт,
Фазилатли турмуш беғубор меҳнат.
Меҳнатингдин тегсин – халқа манифат.
Жамоатда топсанг обрў – шул роҳат.

Ҳаётда энг ёмони ёлғизлик эрур,
Шинам хонадон гўлахдек бўлур.
Айбдор турмада жазо ўтарга ўхшар,
Ҳаёт ёронлар билан завқли эрур.

Кимса йўқки, нолимасдан,
Ўтган бўлса бу жаҳондан.
Ҳатто шоҳлар ҳам жабирдийда
Бўлмасдан ўтмаган бу жаҳонда.

Бўлмайин деб душманга ем,
Дилим, қўлим пок тутдим.
Тилим олмосдек ўткир-
Боиси тўғрилигим.

Ҳеч наф тоимаса ҳам қулоғи овда,
Ул ерда эр эмиш, бопида савдо..
Ўғрилик, нопоклик, гумон ҳисобда,
Ором на қилгай, иғвогар «тутғён»да.

Фозил фарзанд, ақлингни ростла,
Бор кучингни илмга сарфла.
Шунда дард тортмагайсан асло,
Халқ олдида юрасан тож-ла.

Мен туғилған қиндоқ номи Жүйлангар,
Жүй-ариқ, Лангар – дарвеш қаландар.
Карвоңларга нон-ош, жой берадиган,
«Ипак йўли» бўйида сарой – лангар.

Киндигим қони тўқилған бу қиндоқ
Кўринар тулин ойдек яшиаб кўзимга.
Туркистон тоғлари бағрида бўстон,
Қачонлар яна яшнар, ишон сўзима.

Кўриқчи итнинг бўлгани яхши,
Аккиллаб турса, ундан ҳам яхни.
Кўриқчи ҳушёр, сезувчан бўлса,
Фалокат олдини олгани яхши.

Бола-чақа, деб йиккунча
Үргат, ўзлари ишлаб топишисин мол.
У дунёга «кўк» олиб кетмайсан-ку,
Хиёнатчи, сен эмасмисан, ҳаммол ?..

Ювинаңгиз, совуқ сувга ювинаңг,
Сувесангиз, булоқ сувидан ичинг.
Моржлар музни ёриб қинида чўмилур,
Сиз ҳам танокор сувга тан чиниқтириңг.
Бир кўрдиму кўзларингга термулиб қолдим,
Гул юзингдан, ёрим, илк бор бўса олдим.
Мени ром этгувчи меҳри гиёҳинг бор,
Шу боис хатимга суратинг солдим.

Умид билан чўл бағрига ниҳол қададим,
Қўшиқларим барин, чўлим, сенга атадим.
Ишонмасанг, дафтарларим бирма-бир қара,
Мирзачўлим, сени севиб, сени мақтадим.

Овқат сал айнинган бўлса ҳам еманг,
Меъдани айнитиб, дилни ранжитар.
Ичинг кетди, кучинг кетди, деганлар.
Бефарқ бўлиб, нафс балосига чалимманг.

Ташинг сиҳат, хотиринг жам юришнинг ўзи ғалаба.
Машина темир, сафардан келишининг ўзи ғалаба.
Узоқ йўл қурсин, мапаққат, етганча айлади лохас,

Заруратта этсанг тоқат енгишишинг ўзи ғалаба.

Түрк бўлмаган ўзбек йўқ,
Ўзбекининг уруғи кўп.
Жамиси чиқсан турқдан,
Тортишгали ўрин йўқ.

Нафси бад Хурога

Ортиқча овқат-нафси бадлик,
Мешдайин бўпти сарви қоматлик.
Ҳаром гўшт босиб, томир қисур,
Юрак ўйноқи-хаста дардманлик.

Или тушса баъзи қариндош,
Излар сизни кўзида дув-дув ёш
Иш битган сўнг қўёндек сакраб,
Чопар ўрмонга, дарақсиз, бебош.

Эрка қилиб ўстирдингми? Боланг бошиштга бало,
Нағма қилиб ҳар куни ёғдиргай оғат- жала.
Киморда ютқазиб ул ўйни қўйиб гаровга,
Ота-она куйса-я, ўзи ўстирган бола.

Ҳозир сенинг етуқ, пишқирган вақтинг.
Дилингга ёқмаса, ўкирган вақтинг.
Ўзингни бос, болам, қайтармаси бор,
Адолат, иисоф, унутма, сенинг баҳтинг.

Табиатга зўрлик қилмаслик керак,
Мичуринни тўғри тушумоқ керак.
Табиат тобини яхии ўрганиб,
Тобига қараб ўзгартириш керак.

Ёшлигидаги ўнта бўлса ҳам болангиз,
Бир хонага жойлаб катта қилаверасиз.
Катта бўлгани сайни каттарур ғурбати-
Азобини шерик бўлиб тортаверасиз.

Отани тўйга айтмайдилар,
Отадан фотиҳа оладилар.
Сўнгра чиқиб, тўй бошлаб элга,
Ота тўй боши бўладилар.

Хаёт жунбоқлари шүнча ҳам мураккаб,
Кече-кундуз қилиб ҳаракат, күр синааб,
На вақтинг, на умринг етмас, бўлма хуноб,
Муаммоси шу-да, машаққатли мактаб.

Ота кучи билан ўқиган фарзанд,
Воҳ! Ундан чиқади монаиди тарзан.
Чиқмас ундан асло фозил, илм-ҳикмат,
Баданида бўлмаса, урма зўр зан.

Ёнимдаги пичогим югурик,
Тутсам, қон бўлур қўлим шўрлик.
Ўткир бўлган учун эъзозлайман,
Ташшамай олиб юраман – бирлик.

Касаллик ғамии келмасидан енг,
Сезсангиз таңда ўзгариш, дарҳол денг.
Шифокор кўрсинг, деганин қилинг,
Хуруж олмасдан, олдини олинг.

Сенинг соғлигинг хўжаси фақат сен,
Соғлиқни сақлаш вазифаси ҳам сен.
Танаси бошқа дард билмас, ғамини енг:
Фойдасиз егаи пушаймонинг қийин.

Ҳар бир инсонга келур бир давр,
Фаросат эттан сақлаб қолур.
Гердайган бебурд омадни сезмас,
Кетар ундан гўё баҳорги савур.

Номусли инсон ўзи қариса ҳам,
Виждон қаримас, мунгайиб қолса ҳам,
Ҳолдан тойса ҳам виждени бақувват,
Адолат, иисоф йўлда турар мудом.

Она ўтайд бўлган боланинг мудом,
Отасига меҳри- оқибати кам
Рўзгорда ҳар-хаша, кўнгилда ғидир,
Үлгунча ноилож, тутамас дард, ғам.

Бош юмалоқ, хоти айри бўлган билан,

Ҳамма одам ҳам одам бўлолмагаи,
Шул боисдан ҳам уни ҳаётда синанг,
Инсонликни оқласа, уни одам санаанг.

Яхшилар нишонлансин,
Ёмонлар кишаилансин!
Элу халқ бўлсин омон,
Яшасин тинчлик замон!

Бир кишида кўп бўлмас ақл,
Кўп кишидан чиқса ҳукм-нақл.

Ривож топгай ундаи мамлакат,
Эли бўлмас ҳоқон ва тақир.

Отамдан

Бу замонинг хотинлари алп йигитнинг хотини,
Алп йигитларда бўлмаса, аллай кимнинг хотини.
Худо сақласин, хотинга қарам бўлиб қолишидан,
Эркак бўлсанг, ҳаракат қили, рўзгоринг тебратгани.

Эй ҳасадгўй, инсон бўлганинг шул сан,
Сенга фарқи йўқ, ким бўлса яниссан.
Дилингда бор фақат гарязли бўхтон,
Үлганингча сен шул, асло тузалмайсан.

Абдулла Ориф «Муножот» ин ўқиб,
Илҳомим жўшиб юрдим, шерлар тўқиб.
Тафтимни олди, ўтирмаийин букиб,
Жар солгим келур, қандингни **ур** Абдулло!

Рубоийларимдан топарсан қомус,
Ножўя қилмишдан қилтгайсан номус.
Ўқигин, ўзингта тўғри йўл топгин,
Шунда мени эслаб, дуо қили «ғаламис»

Хиёнатнинг катта-кичиги бўлмас,
Кичигини қилган каттадан тоймас.
Хиёнат ҳам исодай дард, хумор этар,
Ўрганган кўнгил-чи? Ўлганча қолмас.

Подио халқни қийнаб, чалғитса бошин,
Оллох отар унга адолат тошин.
Эл, халқ уни ўз паноҳига олмас,
Ұзға әлға қочиб, түқар күз ёшин.

Вақтида кириб турмасанг ҳаммомга,
Дилинг қоронеи кунининг ўхшар шомга.
Афруз қумғонда ювиниб юрганлар,
Кириңг ҳаммомга, келтгайсиз жаҳонга.
Ўзбекистон миңтақасин иқлими жаҳонда тенгсиз
Дунёни айландим, ҳеч бир ерда учратмадим, чин сўз,
Биздаги иқлим, унумли ер, гавҳар сув, нурли қуёш,
Оллоҳим муруватлидир, бул қадрига етайлик сўзиз.

Баъзилар дейди:
Ўстирдим меҳрим-ла жигарбандларим,
Ҳаётимда тоғтан шакар -қандларим.
Эрка ўстирдим, қайтарай десам,
Юзимга сапчир ўстирган жигарим.

Тили узун, мийи калта,
Ичи гўё ҳасад халта.
Тўғри гапни тушунмайди,
Инсонга битган офат-да.

Тормисан шунча дунё?
Икки киши талани кимё
Бир кишини гангитиб,
Сарсон этасан дунё.

Бул дунёга қилма ҳавас,
Бўланерма дикқи пафас.
Вафосин кимса билмас,
Ҳаёт — асли очиқ қафас.

Арна, буғдоини янчарди хўп,
Бу дунёнинг чиғириқлари кўп,
Сочилиб кетди қариндош-уруг,
Янасан яхши бўларди тўн-тўн.

Хайронман, нечун шаштинг пастроқ,
Этинг қочибди, кайфинг сустроқ,
Улоққа қўшишам, чопгинг келмас,

Сен-ля кездим чўлни ўҳшаб буров.
(Мұхаммад пайғамбарни Оллоҳ олдига
олиб чиққан от)

Жаҳолат дардини мен тортдим дўстлар,
Сизларга ҳеч раво кўрмайман дўстлар.
Бахиллик жабрин ҳам, алам мени тортдим,
Сизларга ҳеч раво кўрмайман дўстлар.

Нечун ўкиниб, қўзинг ёшланасан?
Баданларинг тиришиб, қашланасан?
Бевафо дунё бу, нечун ўкингайсан?
Иродангни тутсанг, тўғри қиласан.

Ирода, қувват, сабри- тоқат бахти саодат,
Кучли ирода туфайли емирилгай кам-ғурбат.
Иродасиз киши, пасткаш яшалти гўёки
Махлук, унда на ихтиёр, на бир фикр, қуруқ савлат.

Умрбод ишлаб, яшанини истайман,
Ўзгага муте ҳеч бўлмайин дейман.
Номардга муҳтож, дўстларга хору зор
Бўлиб яшашдан кўра, жон берсам дейман.

Беамал муллани кўрсанг, оғзига ур қанд билан,
Беамал муллани кўрсанг оғзига ур тош билан.
Сен мансабдор, вазифанг нечун йўлга солмайсан?
Рой-йўлингга юргазиб бирор ҳунар ўргатмайсан ?

Беш кунлик мансабга мунча талтаймоқ,
Элга нописадлик манманлик қилмоқ?
Касбинг бўлиб қолди бадфеъл маҳлуқдек,
Мансабдан тушгандан сўнг бўлма уртўқмоқ.

Осон эмас пилла қуртидан
Ип йигириб, Марғилон юртдан,
Атлас тўқиб ўзбек элининг
Жаҳонига танитмоқ сиртидан.

Дўстим билан бўлган дақиқа- бир жаҳон,
Дўст лаззатин билмай ўтар тождор ҳоқон.
Дўст кундуз қуёш оқиом ой дардга малҳам,

Сўз меҳри-ла кунинг айлар фаровон.

Дунёда япяётган инсонларнинг кўписи
У дейди, бу дейди, у қилади, бу қилади.
Иш қилиб ўз гапини маъқуллаб юраверади .
Фавро-ла умри хазон бўлганин билмай қолади.

Гиёҳванд енгилса ичкилик-майдин
Ранги ясалгандек гўё ёғоч сумакдан.
Юзин таги кўм-кўк, суммати одам,
Сугуриб ташлайлик гуммайни элдан.

Доим итар-итар, эски-да «Волга»,
Эски ямаб, умринг ўтар бекор.
Топганинг ямоқча кетар яна етар,
Кунинг ҳаловатсиз, асабинг бузар.

Ўз саломатлиги учун баъзилар
Бепарво, эринчиоқ, ўйсиз ҳазиллар.
Соғлик қўтармас ҳазил, фурсат кутмас,
Тўсатдан нуратан жардек важиллар.

Хотинлар бозор кўрмаса, касал бўлиб қолади,
Магазинларга кирмаса, кўзи хира толади.
Эй эркаклар, хотинларнинг бул дардини ҳисобланг,
Юрак ундан, пул сиздан бўлиб турса, борин олади

Соғлигинг-мутлоқ танҳо туталмас бойлик,
Соғ бўлса-да, кунинг ўтар, бермаса-да ойлигинг.
Бемор бўлсанг, миллион доллар бўлса жамғарманг,
Орага киролмас совил, қолгай бойлигинг.

Одамзоднинг ёши — қарисин ҳам кўнгли қаримас,
Бошидан ўтган яхши-ёмон аримас.
Чархпалакдек айланиб ўнгидан воқеалар,
Гоҳ маъюс этиб, гоҳ тиним бермас.

Бозорлар конинин кўнгирадор қилмоқдалар,
Оқ гиштдан шинам дўконлар қурмоқдалар.
Кўча бўйлари бозор, қимматчилик — элга озор,
Элга солмай назар, нарх-навони қўтармоқдалар.
Одамзод жаҳонда бор жондир.
Жамийисин ишга сола оладир.

Зарур вақт аниң бор күчидан,
Керагича фойдалана оладир.

Үзимини күзгуда күриб хайронман,
Қайга кетди ул хуен? Буришиб қобман.
Томирларим бўртиб, юзим тиришиб,
Онлаган теридек оқариб қолибман.

Хотинлар зўр бўлади,
Турли макр қилади.
Эш қилиб ўз раъийга,
Эрин юргаза олади.

Тандирда ёпган нон гул отса агар,
Ун ёмон дер экан келин от чопар .
Аслида айб унда эмас, хамирда,
Онимаган даингаса пазанда айбор.

Ўлимни ўйламай, бардам юринглар,
Яшаш, ҳаёт учун зўр курашганлар,
Ҳаёт обжувоздек кураш майдони,
Жаброил оларда жон бўшатинглар.

Мансаб кимга тегса,
Ўшанинг қўли юқори.
Хушёр бўлиб ишланг,
Колганлар унга сувори.

Амалга асло бўлмангиз маҳлиё,
Амал деб Хусайн бошин кесди Карабало.
Пайғамбар наслин андиша отмайин.
Амал ўзи аслон, битган бир бало.

Кимда-ким ароқка мубтало мутик,
Эшак боласидек, ақлсиз хўтиқ.

Ихтиёр ўзида йўқ, мағриқ маҳлук,
Қайга етакласа, йўргалар тетик.

Бемаврид кетган ўғилларга

Кўнгил бўзлар. Воҳ! Ирода.

Күймас, келса күзимдин нам.
Танҳо бузлаб, бул чүлларда,
Күзларимдан тинмайди нам.

Киборлар жамиятда ижодимни қилмас писанд,
Эътибор бермаедарин тушувнаман ҳар чанд.
Бедиёи саҳроларда, қишлоқларда ташна эллар,
Кўнглидан жой олганим тинглаб, бехад бўлдим хурсанд.
2004 йил 23 март

Мен умрим бўйи матлаб, мустақилликни ёзаман,
Кучим етмаса, ўзимни ростлаб, ниқтаб ёзаман
Чунки дил армонидир мустабидлик, Мустақиллик!
Кўрдим, шукур қиласман, такрор ёдлаб ёзаман.

Мирзачўлим-сўлим гулим,
Ишқингда мен шайдо сўлим.
Нечун эгдинг, азиз бошинг хам,
Тиклан, сайра бўз булбулим.

Ким ўзини сенга яқин тутса,
Ўшал-сенинг яқининг.
Ким ўзини сендан узоқ тутса,
Ўшал-сенинг рақибинг.

Нодонлар мунча ялтироқ
Нарсани яхши кўради?
Сирти ялтироқ нарсани
Ичи қалтироқ бўлади.

Сен шундай им қилигинки,
Қизиқиб келиб кўрсиллар.
Қойил қолсин унсурлар,
Мард зарбидан турсивлар.

Фарзандларимнииг яълоси Мухаббат,
Ақлли, иффатли, доноси Мухаббат,
Ота-онага меҳри оташ-қуёш,
Жами ишимга кўз, бош-қош Мухаббат.

Дунё азалий, дengиздек чайқалур,
Гоҳ хуш, гоҳ ноҳуш думини бурур.
Жамий заҳмати меҳнаткаш бўйнида,

Хаёт зўр кураш, устивор ким-кун кўтар.

Спорт-санъат! зўрлик қилиш чин эмас,
Спорт куч ишлатиш санъатин кўрсатиб,
Спорччи маҳоратин намойиш этиб,
Рақибиға тан жароҳат етказмас.

Фақат сув қадрига етмайди алар,
Сув эса ўлкани қайтадан қурадар.
Сув билан обод гўзал Узбекистон.
Сувни эъзозлаш ҳам буюқ бир хунар.

Замон ёғдуси инсонлар учун.
Ёғудай нафланиш жамоа кучи.
Йўқдан бор қилувчи ҳам инсон ўзи,
Борни йўқ қилгай ножӯя киши.

Етмиш тўққизда ёшим,
Сўнган эмас қўёшим.

Кимларга қўйдим кўнгил,
Ризо этди бардошим.

